

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

**ТДТУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
тармоқ маркази директори
т.ф.н. Н.Э. Авезов**

“ ___ ” _____ 2015 йил

**“ЭЛЕКТР ТЕХНИК ҚУРИЛМАЛАРИНИ ОПТИМАЛ
БОШҚАРИШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТУЗУВЧИ: т.ф.н., доц. Имомназаров А.Т.

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	9
1-мавзу: Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг умумий муаммолари.....	9
2-мавзу: Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг назарий асослари.....	12
3-мавзу: Оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар	18
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ.....	23
1-мавзу: Электр техник қурилмалари турлари ва уларнинг иш режимлари таҳлили	23
2-мавзу: Электр механик тизимларда қўлланиладиган электр машиналар турлари ва уларнинг иш режимлари таҳлили	24
3-мавзу: Асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва энергетик диаграммасини куриш	28
4-мавзу: Асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқариш мезонлари таҳлили	30
5-мавзу: Асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқаришнинг изланувчан тизимларини яратиш асослари.....	34
6-мавзу: Тезлиги ростланмайдиган асинхрон моторларни оптимал бошқариш мезонлари бўйича автоматик бошқариладиган тизимларнинг функционал схемаларини тузиш	37
7-мавзу: Тезлиги ростланадиган асинхрон моторларни оптимал бошқариш мезонлари бўйича автоматик бошқариладиган тизимларнинг функционал схемаларини тузиш	40
ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАР	43
НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР	47
БИТИРУВ ИШЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ	48

ИШЧИ ДАСТУР

МОДУЛНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

“Электр техник қурилмаларини оптимал бошқариш” модулининг мақсади тингловчилар ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланиладиган электр техник қурилмаларини оптимал бошқаришни ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва ролини аниқлаш ҳамда уларнинг назарий асосларини ўзлаштиришда замонавий педагогик технологиялардан самарали қўллашни ўргатишдан иборат.

“Электр техник қурилмаларини оптимал бошқариш” модулининг вазифалари:

- электр техник қурилмалари асосий энергетик кўрсаткичлари ҳақида умумий маълумот;
- электр техник қурилмалари энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқаришнинг критик мезонлари;
- электр техник қурилмалари оптимал бошқариш мезонлари;
- ишлаб чиқаришда қўлланиладиган электр техник қурилмаларини оптимал бошқариш тизимлари;
- электр техник қурилмадари энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқаришнинг изланувчан ва ноизланувчан тизимлари;
- электр техник қурилмадари энергетик кўрсаткичларини дастурий оптимал бошқариш тизимлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

МОДУЛ БЎЙИЧА БИЛИМЛАР, КЎНИКМАЛАР, МАЛАКАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар “Электр техник қурилмаларини оптимал бошқариш” модулини ўзлаштириш орқали қуйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

Тингловчи:

- электр техник қурилмалари асосий энергетик кўрсаткичлари ҳақида умумий маълумот;
- электр техник қурилмалари энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқаришнинг критик мезонлари;
- электр техник қурилмалари оптимал бошқариш мезонларининг қўлланиш доиралари ҳақида етарли **билимга** эга бўладилар.

Тингловчи:

- электр техник қурилмадари энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқаришнинг изланувчан ва ноизланувчан тизимларини;
- электр техник қурилмадари энергетик кўрсаткичларини дастурий оптимал бошқариш тизимларини;
- электр техник қурилмадари энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқариш тизимларнинг назарий асослари ҳақида керакли **кўникма** ҳосил қиладилар.

Тингловчи:

- энергетик кўрсаткичлари оптимал бошқариладиган электр техник қурилмаларининг автоматик бошқариш тизимларини тузиш;
- электр техник қурилмалари энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқариш тизимларининг назарий асослари ҳақида етарли *малакаларига* эга бўладилар

МОДУЛНИНГ ЎҚУВ РЕЖАДАГИ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ ВА УЗВИЙЛИГИ

Ушбу фан дастури “Электр механик тизимлари элементлари“, “Электр механик тизимлар ва комплексларни оптимал бошқариш“, “Электр техник тизимлари ва комплексларни рақамли ва микропроцессорли бошқариш” ва “Электр техник тизимлар ва комплекслар таркибидаги комплект электр юритмалар” фанлари асосий тамойиллари ва ўзаро узвий боғлангикларини ҳисобга олинган ҳолда тузилган.

МОДУЛНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

Ушбу модул ўзининг ўқитилиши ва мазмуни бўйича модулнинг олий таълимдаги ўрни ниҳоятда катта. Чунки ушбу модул ишлаб чиқариш саноат қурилмаларининг электр техник қурилмаларини оптимал бошқариш тизимлари ва энергетик кўрсаткичларини назорат ва бошқариш билан боғлиқ бўлгани учун бу саноат қурилмаларини лойиҳаловчи ва ишлатувчи мутахассислар учун жуда керакли фан ҳисобланади.

МОДУЛ БИРЛИКЛАРИ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Мавзулар	Ўқув юкلامаси, соат						
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси					Мустақил иш
			Жами	Жумладан:				
		Назарий		Амалий	Тажриба алмашиш	Кўчма		
1	Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг умумий муаммолари	8	6	2	4			2
2	Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг назарий асослари	10		2	6			2
3	Оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар	12	10	4	6			2
Хаммаси		30	24	8	16			6

Маъруза машғулотларининг мазмуни

1-мавзу: Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг умумий муаммолари (2 соат)

РЕЖА:

1. Электр техник қурилмаларининг турлари ва иш режимлари.
2. Фаннинг ривожланиш тарихи.
3. Электр техник қурилма ва тизимларни оптимал бошқаришнинг асосий масаласи.
4. Электр қурилмаларининг турлари, қўлланиш соҳалари ва уларнинг иш режимлари.
5. Фаннинг ривожланиш тарихи ва бу соҳада ўзбек олимларининг алоҳида туганган ўрни.
6. Электр техник қурилмаларини оптимал бошқаришнинг асосий талаблари ва уларнинг физик ҳамда математик асослари.

2-мавзу: Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг назарий асослари (2 соат)

Режа:

1. Электр техник қурилмаларнинг асосий кўрсаткичлари.
2. Электр техник қурилмалар кўрсаткичларини экстремал бошқариш асослари.
3. Электр техник қурилмаларнинг асосий электр, энергетик ва механик

кўрсаткичлари.

4.Электр механик қурилмаларни оптимал бошқаришнинг экстремал бошқариш асослари.

3-мавзу: Оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар (4 соат)

РЕЖА:

1. Тезлиги ростланмайдиган оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар.

2. Тезлиги ростланадиган оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар.

Асинхрон моторли экстремал бошқариладиган изланувчан электр механик тизимнинг функционал схемаси. Ишлаш асоси. Энергия тежамкор технологияни қўллаш. математик ифодаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ

1-мавзу: Электр техник қурилмалари турлари ва уларнинг иш режимлари таҳлили (2 соат).

РЕЖА:

1. Электр техник қурилмаларининг турлари.

2. Электр техник қурилмаларининг иш режимлари.

2-мавзу: Электр механик тизимларда қўлланиладиган электр машиналар турлари ва уларнинг иш режимлари таҳлили (2 соат).

РЕЖА:

1. Ўзгармас ток электр машиналари.

2. Ўзгарувчан ток электр машиналари.

3-мавзу: Асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва энергетик диаграммасини қуриш (2 соат).

РЕЖА:

1. Асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичлари турлари.

2. Асинхрон моторнинг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва энергетик диаграммасини ҳисоблаб қуриш.

4-мавзу: Асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқариш мезонлари таҳлили (2 соат).

РЕЖА:

1. Асинхрон моторларнинг оптималланувчи кўрсаткичлари.

2. Асинхрон мотор кўрсаткичларини оптималлаш мезонлари.

5-мавзу: Асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичларини оптимал бошқаришнинг изланувчан тизимларини яратиш асослари (2 соат).

РЕЖА:

1. Асинхрон моторларнинг оптималланувчи электр ва энергетик кўрсаткичлари.

2. Асинхрон моторларнинг оптимал бошқарилувчи экстремал изланувчи автоматик бошқариш тизимини яратиш асослари

6-маву: Тезлиги ростланмайдиган асинхрон моторларни оптимал бошқариш мезонлари бўйича автоматик бошқариладиган тизимларнинг функционал схемаларини тузиш (2 соат).

РЕЖА:

1. Асинхрон моторларнинг тиристорли кучланиш ростлагичдан таъминладиган схемаларининг иш режимлари кўрсаткичлари.

2. Тезлиги ростланмайдиган асинхрон электр юритмаларнинг изланувчан экстремал оптимал бошқариладиган автоматик бошқариш тизимини яратиш.

7-маву: Тезлиги ростланадиган асинхрон моторларни оптимал бошқариш мезонлари бўйича автоматик бошқариладиган тизимларнинг функционал схемаларини тузиш (4 соат).

РЕЖА:

1. Асинхрон моторларнинг частота ўзгарткичдан таъминладиган схемаларининг иш режимлари кўрсаткичлари.

2. Тезлиги ростланадиган асинхрон электр юритмаларнинг изланувчан экстремал оптимал бошқариладиган автоматик бошқариш тизимини яратиш.

МУСТАҚИЛ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1. Тезлиги ростланмайдиган асинхрон моторли электр механик тизимнинг минимум статор токли режимидаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

2. Тезлиги ростланмайдиган асинхрон моторли электр механик тизимнинг минимум умумқувват исрофи режимидаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

3. Тезлиги ростланмайдиган асинхрон моторли электр механик тизимнинг минимум реактив қувват истеъёли режимидаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

4. Тезлиги ростланадиган асинхрон моторли электр механик тизимнинг минимум статор токли режимидаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

5. Тезлиги ростланадиган асинхрон моторли электр механик тизимнинг минимум умумқувват исрофи режимидаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

6. Тезлиги ростланадиган асинхрон моторли электр механик тизимнинг минимум реактив қувват истеъёли режимидаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

7. Микропроцессорли бошқарилувчи ўзгармас ток электр механик тизимнинг функционал схемасини тузиш ва иш режимлари таҳлили.

8. Микроконтроллерли бошқарилувчи асинхрон моторли электр механик тизимнинг функционал схемасини тузиш ва иш режимлари таҳлили.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:
АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Белов М.П. и др. Автоматизированный электропривод типовых и производственных механизмов и технологических комплексов. - М.: Энергоатомиздат, 2004. - 575 с.

2. Имомназаров А.Т., Аъзамова Г.А. Асинхрон моторларнинг энергия тежамкор иш режимлари. Монография. - Тошкент: ТошДТУ, 2014. – 140 б.

3. Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarda energiya tejamkorlik. 2- nashr. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. – 155 b.

Ильинский Н.Ф., Рожановский Ю.В., Горнов А.О. Энергосбережения в электроприводе. - М.: Выс. шк., 2000. - 127 с.

Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarda energiya tejamkorlik. 2- nashr. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. – 155 b.

Қўшимча адабиётлар

1. Imomnazarov A.T. Sanoat korxonolari va fuqarolik binolarning elektr jihozlari. Kasb–hunar kollejlari uchun o`quv qo`llanma. - Toshkent: «ILM ZIYO», 2006. - 185 b.

2. Imomnazarov A.T. Neft va gaz konlarining elektr jihozlari. Kasb–hunar kollejlari uchun o`quv qo`llanma. - Toshkent: «CHO`LPON», 2007. - 145 b.

3. Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarning elementlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. - Toshkent: «Ta`lim», 2009. - 155 b.

Интернет ва Зиёнет сайтлари

<http://dhees.ime.mrsu.ru> , <http://rbip.bookchamber.ru>

<http://energy-mgn.nm.ru>, <http://booket.ru>, <http://unilib.Ru>

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу: Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг умумий муаммолари

Режа:

1. Электр техник қурилмаларининг турлари ва иш режимлари.
2. Фаннинг ривожланиш тарихи.
3. Электр техник қурилма ва тизимларни оптимал бошқаришнинг умумий муаммолари.

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: автоматлаштирилган электр юритма, автоном инвертор, асинхрон моторнинг минимум статор токи иш режими, асинхрон моторнинг минимум қувват исрофи иш режими, асинхрон моторнинг минимум реактив қувват истеъмоли иш режими, асинхрон моторнинг энергетик кўрсаткичлари, билвосита частота ўзгарткич, бевосита частота ўзгарткич.

Электр техник қурилмаларининг турлари ва иш режимлари


Электр техник қурилма ва тизимлар кенг қўламдаги электр қурилма ва тизимлар кириб, улардан асосийлари бу электр механик қурилмалар ва тизимлар, бошарилувчи ўзгармас ва ўзгарувчан электр ўзгарткичлар, электр термик қурилмалар ва тизимлар киради.

Буларнинг ичида **электр механик тизимлар** алоҳида аҳамият касб этади. Бу электр механик тизимлар электр механик қурилма – ўзгарувчан ёки ўзгармас ток электр моторлари, ўзгарувчан ёки ўзгармас ток бошқарилувчи электр ўзгарткичлар ва бошқа бир қанча электр ҳамда электрон қурилмалардан ташкил топган бўладш. 1- расмда электр механик тизимнинг таркибий тузилиш схемаси тасвирлатган.

Электр механик тизимлар таркибий тузилишида асосий куч элементи бу электр моторлардир. Электр моторлар ўзгармас ток ва ўзгарувчан ток электр моторларига бўлинади. Ўзгарувчан ток моторларига асинхрон ва синхрон моторлар киради.

Асинхрон моторлар конструктив жиҳатдан ротори қисқа туташтирилган ва фаза роторли асинхрон моторларга бўлинади. Одатда ротори қисқа туташтирилган асинхрон моторларнинг номиналь қуввати фаза роторли асинхрон моторниқига нисбатан кичик қилиб ишлаб чиқарилади. Ҳозирда қуввати бир неча минг киловат бўлган махсус ротори қисқа туташтирилган асинхрон моторлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Иккинчи асосий куч элементи бу бошқарилувчи ўзгарткичлардир. Электр мотор ўзгармас ток электр мотори бўлса, у ҳолда боқарилувчи ўзгарткич сифатида тиристорли тўғрилагичлар ва импульс кенглиги ростланадиган ўзгармас ток ўзгарткичлари қўлланилади. Агар электр мотор асинхрон бўдса, у ҳолда бошқарилувчи ўзгарткичлар сифатида тиристорли кучланиш ростлагичлар ва билвосита ёки бевосита частота ўзгарткичлар қўлланилади.



1 – расм.

Бу бошқарилувчи ўзгарткичларнинг бошқарув тизимлари ва электр ҳамда ноэлектр ўлчов ўзгарткичлари ҳам электр механик тизимни бошқаришда катта вазифани бажаради. Бутун электр механик тизимни бошқариш вазифаловчи қурилма томонидан амалга оширилади. Вазифаловчи қурилма оддий потенциометрдан тортиб то ыкропроцессоргача бўлиши мумкин.

Электр механик тизимлар қандай саноат механизмини ҳаракатга келтиришига қараб **узлуксиз ва узлукли** иш режимларида ишлайди.

Узлуксиз иш режимида ишлайдиган электр механик тизимларнинг электр моторлари иссиқлик ҳолатига қараб, уларнинг статор (якорь) чулғами қўлланилган изоляцияси учун руҳсат этилган ҳароратда ёки ундан паст ҳароратгача қизиган бўлади.

Узлукли иш режимида ишлайдиган электр механик тизимларнинг электр моторлари иссиқлик ҳолатига қараб, уларнинг статор (якорь) чулғами қўлланилган изоляцияси учун руҳсат этилган ҳароратгача етиб бормайди. Бу иш режимининг яна бир характерли томони электр моторнинг иш режими юкланиш билан ишлаш ва тармоқдан узилган ҳолда ишлашидир.

Фаннинг ривожланиш тарихи

Электр механик тизимларни оптимал бошқариш ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб тез ривожлана бошланди. Бунга турки бўлган асосий омил, бу ярим ўтказгичларнинг ихтиро қилиниши бўлди. Кейинчалик микроэлектрониканинг ривожланиши ва катта қувватли тиристорлар ҳамда транзисторларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Тезлиги ростланадиган ўзгармас ток электр механик тизимлар ўрнига асинхрон моторли электр механик тизимларни қўллаш имконини берди. Ҳозирда микропроцессорли бошқариладиган асинхрон электр механик тизимларнинг йўлланиш доираси

кенгайиб бормоқда.

Электр техник қурилма ва тизимларни оптимал бошқаришнинг умумий муаммолари

Асосий муаммолари бу биринчидан электр механик тизимнинг электр моторини тўғри танлаш, иккинчидан уни бошқаришда энергетик кўрсаткичларини доимо минимал бўлишига эришиш. Бу усулда энергия тежамкорликка эришиш **пассив** усул деб аталади.

Энергия тежамкорликка эришишнинг **актив** усулида, электр механик тизим таркибига қўшимча қурилмалар ва оптимал бошқаришни ташкил қилувчи алгоритмларни қўллаш билан амалга оширилади.

Ўз-ўзини назорат саволлари

1. Электр техник қурилмаларнинг асосий кўрсаткичлари
2. Электр техник қурилмалар кўрсаткичларини экстремал бошқариш асослари
3. Фаннинг ривожланиш тарихи
4. Электр техник қурилма ва тизимларни оптимал
5. бошқаришнинг умумий муаммолари

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати: АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Белов М.П. и др. Автоматизированный электропривод типовых и производственных механизмов и технологических комплексов. - М.: Энергоатомиздат, 2004. - 575 с.

2. Ильинский Н.Ф., Рожановский Ю.В., Горнов А.О. Энергосбережения в электроприводе. - М.: Выс. шк, 2000. - 127 с.

3. Имомназаров А.Т., Аъзамова Г.А. Асинхрон моторларнинг энергия тежамкор иш режимлари. Монография. - Тошкент: ТошДТУ, 2014. – 140 б.

4. Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarda energiya tejankorlik. 2- nashr. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. – 155 b.

Қўшимча адабиётлар

1. Imomnazarov A.T. Sanoat korxonalari va fuqarolik binolarning elektr jihozlari. Kasb–hunar kollejlari uchun o`quv qo`llanma. - Toshkent: «ILM ZIYO», 2006. - 185 b.

2. Imomnazarov A.T. Neft va gaz konlarining elektr jihozlari. Kasb–hunar kollejlari uchun o`quv qo`llanma. - Toshkent: «CHO`LPON», 2007. - 145 b.

3. Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarning elementlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. - Toshkent: «Ta`lim», 2009. - 155 b.

2-мавзу: Электр техник қурилмаларни оптимал бошқаришнинг назарий асослари

Режа:

1. Электр техник қурилмаларнинг асосий кўрсаткичлари.
2. Электр техник қурилмалар кўрсаткичларини экстремал бошқариш асослари.

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: асинхрон моторнинг энергетик кўрсаткичлари, билвосита частота ўзгарткич, бевосита частота ўзгарткич., бошқарилувчи ўзгарткичлар, бошқарилувчи ўзгармас ток ўзгарткичлари, бошқарилувчи ўзгарувчан ток ўзгарткичлари, бошқарилувчи ўзгармас ток электр механик ўзгарткичлар, бошқарилувчи ўзгарувчан ток электромеханик ўзгарткичлар, бошқарилувчи ўзгармас ток электр ўзгарткичлар, бошқарилувчи ўзгарувчан ток электр ўзгарткичлар.

Электр техник қурилмаларнинг асосий кўрсаткичлари

Асинхрон моторнинг асосий электр механик ва энергетик кўрсаткичларининг нисбий қийматларини каталог ва маълумотномаларда келтирилган номинал кўрсаткичлари орқали етарли даражада аниқлик билан ҳисоблаш катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, олинган математик ифодаларнинг универсаллиги таъминланади ва улар асосида асинхрон моторли электр юритмаларнинг оптимал автоматик бошқариш тизимларини тузишни осонлашади.

Асинхрон моторнинг статор чулғамига тармоқдан узатилаётган кучланишнинг номинал қийматига нисбатан ўзгариши кучланиш коэффициенти орқали ифодаланади:

$$\gamma = \frac{U_1}{U_{1H}},$$

бу ерда, U_1 ва U_{1H} – статор чулғамига узатилаётган кучланишнинг ҳақиқий ва номинал қийматлари.

Асинхрон моторнинг статор чулғамидаги кучланиш частотасининг номинал қийматига нисбатан ўзгариши частота коэффициенти орқали ифодаланади:

$$\alpha = \frac{f_1}{f_{1H}},$$

бу ерда, f_1 ва f_{1H} – статор чулғамидаги кучланиш частотасининг ҳақиқий ва номинал қийматлари.

Электр машиналарнинг номинал техник кўрсаткичлари бериладиган маълумотномалар ва каталогларда ҳар бир асинхрон мотор учун кучланиш ва частотанинг номинал қийматларида ($U_1 = U_{1H}$, $f_1 = f_{1H}$) мотор ҳосил қилиши мумкин бўлган максимал айлантириш моментининг номинал қийматига нисбати момент бўйича юкланганлик кўрсаткичи:

$$b_H = \frac{M_{\max}}{M_H}.$$

Агар асинхрон моторга берилаётган кучланиш ва частоталарнинг қийматлари номинал қийматларидан фарқли бўлса, яъни $\gamma \neq 1$, $\alpha \neq 1$ бўлганида, бу кўрсаткич қуйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$b = b_H \frac{\gamma^2}{\alpha^2}.$$

Асинхрон мотор валига ўрнатилган ишчи механизм (ИМ) статик моментининг мотор ҳосил қилаётган номинал моментга нисбати

$$\mu_c = \frac{M_c}{M_H},$$

асинхрон моторнинг момент бўйича юкланиш даражасини билдиради. Одатда (2.5) 100% га кўпайтирилиб, фоизларда аниқланади. Мотор ҳосил қиладиган максимал моментнинг ишчи механизм статик моментига нисбати моторнинг момент бўйича реал юкланганлик даражасини билдиради:

$$b_c = \frac{M_{\max}}{M_c} = \frac{b_H}{\mu_c} = \frac{b_H \gamma^2}{\mu_c \alpha^2}.$$

Электр юритувчи куч (ЭЮК) ва магнит оқимини ҳисоблашда мотор магнит тизими магнитланишининг чизиқли қисмида ишлашини ва турғун иш режимида сирпаниш қийматининг жуда кичик бўлишини ҳисобга олган ҳолда ҳамда статор чулғамининг актив ва реактив қаршиликларидаги кучланиш пасайишларини ҳисобга олмасдан ЭЮК ни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаймиз

$$U_1 \approx E_1 = 4,44 K_{\omega 1} f_{1n} \omega_1 \Phi_n \alpha \frac{\Phi}{\Phi_n} = E_{1n} \alpha \frac{\Phi}{\Phi_n}.$$

формуладаги

$$\frac{\Phi}{\Phi_n} = \frac{1}{\alpha} \frac{U_1}{U_{1n}} = \frac{\gamma^2}{\alpha^2}$$

бу ерда, Φ / Φ_n – магнит оқимининг нисбий қиймати.

Электр техник қурилмалар кўрсаткичларини экстремал бошқариш асослари

Уздуксиз **J функция** сифатида асинхрон моторнинг тармоқдан истеъмол қилаётган реактив қувватини ва унинг функцияси Y бўлиб эса статор билан ротор оралиғидаги магнит оқими Φ ни олаемиз. Тезлиги ростланмайдиган асинхрон моторлар учун унинг юкланиш қийматининг ўзгариш оралиғи тахминан (0,5 – 1,0) P_H бўлишини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда моторнинг магнит тизими тўйинмаган зонада ишлайди ва магнит оқими билан статор кучланиш орасидаги боғланиш деярли тўғри чизиқли боғланишга эга бўлади ва Φ ўрнига U ни олиш имконини беради. Бундай ўзгариш автоматик бошқариш тизимини янада соддалаштиришга олиб келади.

J функция бир ўзгарувчан катталиқ Y функцияси бўлиб, экстремумига йўналган ҳаракати $\frac{dJ}{dY}$ нинг ишорасига боғлиқ ва экстремумнинг мавжудлиги эса бу дифференциалнинг нолга тенглиги билан белгилананади, яъни


$$\frac{dJ}{dY} = 0.$$

Экстремум нуктасида

$$\text{grad}J = 0, \text{ яъни, } \frac{dJ}{dY} = 0.$$

2–расмда ушбу айтилганлар тасифлар воситасида ифодаланган.

J функция экстремумини топишнинг Y координатни градиент бўйича экстримумга интилган ҳолда ўзгартириб топиш усули градиент усули деб аталади ва бу усул ростланувчи кўрсаткич ягона бўлганда энг маъқул усулдир. Ростланувчи кўрсаткич бир нечта бўлганида J функция экстремумини топишнинг энг тез туриши Гаусс – Зейдел тасодифий (кўр–кўрона) излаш усуллари кенг қўлланилади.



2–расм. Градиент усули

J функция дифференциалини топиш усули

Биз кўрадиган оптималлаштириш масалаларида ўзгарувчи кўрсаткич ягона бўлгани учун J функцияни бошқариловчи кўрсаткич Y бўйича дифференциаллаш кифоядир. Бунинг учун узлуксиз бўлган J функцияни ҳамда Y кўрсаткични вақт бўйича дифференцияллаймиз ва уларнинг нисбатини оламиз:


$$\frac{dJ}{dY} = \frac{dJ}{dt} : \frac{dY}{dt}.$$

Бу ифодадан кўришиб турибдики, агар Y ни $\frac{dY}{dt} = \text{const}$ маълум берилган доимий тезликда ўзгартириб борганимизда, бу ўзгартириш

натижасида юзага келадиган J нинг вақт бўйича $\frac{dJ}{dt}$ тезлик билан ўзгариши $\frac{dJ}{dY}$ нинг ўзгариши учун ўлчов вазифасини бажаради.

3–расмда келтирилган $\frac{dJ}{dt}$ ни вақт бўйича дифференциаллаб ҳисоблашнинг схемаси келтирилган.


Бу схема қуйидаги тартибда ишлайди: биринчи дифференциалловчи қурилма ДҚ1 нинг кириш қисмига узлуксиз бўлган J функция берилади ва унинг чиқишида вақт бўйича дифференциалланган биринчи дифференциалловчи қурилма ДҚ1 нинг кириш қисмига узлуксиз бўлган J функция берилади ва унинг чиқишида вақт бўйича дифференциалланган $\frac{dJ}{dt}$ функция олинади функция олинади, иккинчи дифференциалловчи қурилма ДҚ2 нинг кириш қисмига узлуксиз бўлган Y функция берилади ва унинг чиқишида вақт бўйича дифференциалланган $\frac{dY}{dt}$ функция олинади ва бўлувчи қурилма БҚ да $\frac{dJ}{dt} : \frac{dY}{dt}$ амали бажарилади, натижада унинг чиқиш қисмида $\frac{dJ}{dY}$ функция олинади.



3–расм. $\frac{dJ}{dt}$ ни вақт бўйича дифференциаллаб ҳисоблаш схемаси

Келтирилган $\frac{dJ}{dt}$ ни ҳисоблаш схемаси (3 – расм) J функциянинг бир экстримуми қийматини аниқлаш учунгина қўллаш мумкин. Агар J функциянинг экстремум қиймати вақт давомида ташқи ва бошқа таъсирлар натижасида бирор бир қонуниятга бўйсунмай ўзгарадиган бўлса, у ҳолда бу схемага қўшимча хотира қурилма ХҚ улашга тўғри келади (4–расм).

Бу ерда хотира қурилма ХҚ нинг вазифаси экстремумни ҳисоблашдан олдинги $\frac{dJ}{dY} \neq 0$ қийматини, яъни $\frac{dJ_0}{dY_0} \neq 0$ хотирада сақлаб қолишдан иборат ва бу сигнал маълум вақт ичида автоматик бошқариш тизими кўрсаткичини экстремум қийматда ишлашини таъминлайди. Белгиланган вақтдан сўнг автоматик тизим яна автоматик равишда J функциянинг экстремумини излашга тушади ва бу сигнал ХҚ даги сигнал билан солиштирилади ва унинг қиймати фарқли бўлса, у ҳолда ХҚ даги сигнал янгиси билан алмаштирилади.



4–расм. Хотира қурилмали $\frac{dJ}{dt}$ ни вақт бўйича дифференциаллаб ҳисоблаш схемаси

Ўз-ўзини назорат саволлар

1. Ўзгарувчан ток ЭМТ ларнинг энергетик кўрсаткичларини изоҳлаб беринг.
2. Ўзгармас ток ЭМТ ларнинг энергетик кўрсаткичларини изоҳлаб беринг.
3. Ўзгарувчан ток ЭМТ ларнинг тезлиги қандай усуллар билан ростланади?
4. Бошқарилувчи тўғрилагичларнинг бошқариш тавсифи қандай ҳисобланади?
5. Бошқарилувчи тўғрилагич қандай асосий таркибий қисмлардан ташкил топган бўлади?
6. Ўзгармас ток ЭМТ ларида тезликни номиналдан юқорига қараб ростлаш қандай амалга оширилади?
7. Ўзгармас ток ЭМТ ларида қандай турдаги бошқарилувчи ўзгарткичлар қўлланилади?
8. Тиристорли кучланиш ростлагич қандай асосий қисмлардан ташкил топган бўлади?

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Белов М.П. и др. Автоматизированный электропривод типовых и производственных механизмов и технологических комплексов. - М.: Энергоатомиздат, 2004. - 575 с.

2. Имомназаров А.Т., Аъзамова Г.А. Асинхрон моторларнинг энергия тежамкор иш режимлари. Монография. - Тошкент: ТошДТУ, 2014. – 140 б.

3. Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarda energiya tejamkorlik. 2- nashr. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. – 155 b.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Imomnazarov A.T. Sanoat korxonolari va fuqarolik binolarning elektr jihozlari. Kasb–hunar kollejlari uchun o`quv qo`llanma. - Toshkent: «ILM ZIYO», 2006. - 185 b.

2. Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarning elementlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. - Toshkent: «Ta`lim», 2009. - 155 b.

Интернет ва Зиёнет сайтлари

<http://dhees.ime.mrsu.ru> , <http://rbip.bookchamber.ru>

<http://energy-mgn.nm.ru>, <http://booket.ru>, [http://unilib. Ru](http://unilib.Ru)

3-мавзу: Оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар

Режа:

1. Тезлиги ростланмайдиган оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар.

2. Тезлиги ростланадиган оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар.

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: реактив қувватни динамик компенсациядаш, турбомеханизмлар, тахогенераторлар, фаза роторли асинхрон моторларнинг синхрон мотор иш режими, ўлчов ўзгарткич, компенсацион қурилмалар, тиристорли кучланиш ростлагич, энергия тежамкор асинхрон электр юритма, энергия тежамкор асинхрон электр юритмаларнинг автоматик бошқариш тизими.

Тезлиги ростланмайдиган оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар

5–расмда статор токининг энг кичик қийматида ишлайдиган экстремал автоматик бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимнинг функционал схемаси тасвирланган.

Экстремал автоматик асинхрон электр юритма тизимининг таркибий тузилиши: асинхрон мотор M ва унинг статор чулғамига тиристорли кучланиш ўзгарткич $TK\ddot{U}$ нинг куч схемаси KC уланган, $TK\ddot{U}$ нинг бошқариш тизими BT жамловчи қурилма $ЖҚ$ нинг чиқиш қисмига уланган. $ЖҚ$ нинг биринчи кириш қисмига вазифаловчи сигнал U_B берилади, кучланиш ўлчов ўзгарткичи $K\ddot{U}\ddot{U}$ нинг кириш қисми статор чулғамига берилаётган линия кучланишига уланади, $K\ddot{U}\ddot{U}$ нинг чиқиш қисми эса биринчи дифференциалловчи қурилма $1ДҚ$ нинг кириш қисмига уланади, $1ДҚ$ нинг чиқиш қисми эса бўлувчи блок $ББ$ нинг биринчи кириш қисмига уланади, $1ДҚ$ нинг чиқиш қисми эса хотира қурилма $ХҚ$ нинг кириш қисмига уланади, $ЭСҚ$ нинг чиқиш қисми эса $ЖҚ$ нинг иккинчи кириш қисмига уланади, ток ўлчов ўзгарткичи $T\ddot{U}\ddot{U}$ нинг кириш қисми статор чулғами фазасига уланган, чиқиш қисми эса иккинчи дифференциалловчи қурилма $2ДҚ$ нинг кириш қисмига уланган, $2ДҚ$ нинг чиқиш қисми эса $ББ$ нинг иккинчи кириш қисмига уланган.

Асинхрон электр юритма энергетик кўрсаткичларининг номинал қийматларига яқин бўлган қийматларда ишлаши мотор валида юкланишнинг қийматига қараб кучланишни ростлаш натижасида статор токининг энг кичик қийматига эришиш асосида амалга оширилади. Ўлчов ўзгарткичлари сифатида кучланиш ва ток трансформаторларидан фойдаланиш мумкин.

Электр юритма ишлаётганида $K\ddot{U}\ddot{U}$ ва $T\ddot{U}\ddot{U}$ ларнинг чиқиш қисмларида линия кучланиши ва фаза тоқларининг ўзгартирилган ва вақт бўйича узлуксиз бўлган сигналлар ҳосил қилинади ва бу сигналларни $1ДҚ$ ва $2ДҚ$ дифференциалловчи қурилмаларда вақт бўйича дифференциалланган қийматларини $ББ$ нинг мос кириш қисмларига

юборилади. ББ да бу сигналларни бўлиш амали бажарилади:

$\frac{dI_1}{dt} : \frac{dU_n}{dt} = \frac{dI_1}{dU_n} \neq 0$ ва бу сигнал ХҚ га эслаб қолиш учун юборилади.

ХҚ да бу сигнал олдинги эслаб қолинган худди шунингдек сигнал билан солиштирилади, агар ўзаро фарқланса, у ҳолда ЖҚ га юборилади ва бу сигнал U_6 - бошқарув сигнаolini шакллантиришда иштирок этади, яъни


$U_6 = U_B - \frac{dI_1}{dU_n}$ БТ нинг кириш қисмига юборилади ва натижада ТКЎ нинг

КС чиқиш қисмида кучланиш қиймати ўзгаради. КЎЎ ва ТЎЎ ларнинг чиқиш қисмларида янги линия кучланиши ва янги фаза токи қийматларига мос сигналлар ҳосил бўлади.

Бу сигналларнинг дифференциалланиши ва бўлиш амаллари бажарилиши қайд қилинган юкланиш учун $\frac{dI_1}{dU_n} = 0$ шартини бажаришга олиб

келади. Асинхрон мотор энергетик кўрсаткичларининг номинал қийматга яқин қийматда ишлай бошлайди. ХҚ да сақланган $\frac{dI_1}{dU_n} \neq 0$ қиймат манфий


тескари боғланиш сигнали сифатида то мотор валида юкланиш ўзгаргунча иштирок этади. Мотор валидаги юкланиш ўзгарганида ушбу цикл қайтадан такрорланиб, юкланишнинг янги қиймати учун энергетик кўрсаткичларининг оптимал қийматда бўлиши таъминланади.



5–расм.

Тезлиги ростланадиган оптимал бошқариладиган асинхрон моторли электр механик тизимлар

6–расмда келтирилган частотани ўзгартириб тезлиги ростланадиган асинхрон моторни экстремал автоматик бошқариш тизимининг блок схемаси, юкланишнинг барча реал қийматларида мотор истеъмол қилаётган реактив қувват миқдорини минимал бўлишини ва мотор энергетик кўрсаткичларини номинал қийматларига яқин қийматларда бўлишини таъминлайди.



6 – расм.

Частотани ўзгартириб тезлиги ростланадиган асинхрон моторни экстремал автоматик бошқариш тизими қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат: асинхрон мотор М, тиристорли частота ўзгарткич ЧЎ куч схемаси КС орқали уч фазали электр тармоғига уланган. ЧЎ нинг частотани ўзгартирувчи бошқарув тизими ЧБТ га вазифаловчи сигнал U_B берилади, биринчи функционал ўзгарткич 1ФЎ нинг биринчи кириш қисмига U_B берилади, иккинчи кириш қисми хотира қурилма ХҚ нинг чиқиш қисмига уланган, чиқиш қисми эса ЧЎ нинг кучланишни ўзгартирувчи бошқарув тизими КБТ нинг кириш қисмига уланган, қувват ўлчов ўзгарткичи КЎЎ нинг кириш қисми асинхрон мотор М нинг статор чулғамига уланган ва шу кириш қисмига иккинчи функционал ўзгарткич 2ФЎ нинг кириш қисми уланган, 2ФЎ нинг чиқиш қисми эса кўпайтириш блоки КБ нинг иккинчи кириш қисмига уланган, КЎЎ нинг чиқиш қисми кўпайтириш блоки КБ нинг кириш қисмига уланган, КБ нинг чиқиш қисми эса биринчи дифференциалловчи қурилма 1ДҚ нинг кириш қисмига уланган бўлса, чиқиш қисми эса бўлувчи блок ББ нинг биринчи кириш қисмига уланади, ББ нинг иккинчи кириш қисмига иккинчи дифференциалловчи қурилма 2ДҚ нинг чиқиш қисми уланган, 2ДҚ нинг кириш қисмига кучланиш ўлчов ўзгарткичи

КЎЎ нинг чиқиш қисми уланган ва КЎЎ нинг кириш қисми эса асинхрон мотор М нинг линия кучланишига уланган.

Асинхрон мотор энергетик кўрсаткичларининг оптимал қийматларида бўлиши, мотор валидаги юкланишнинг қийматига мос равишда статор чулғамидаги кучланишни ростлаш натижасида моторнинг реактив қувват истеъмолини минимал қийматга келтириш асосида амалга оширилади. Бу автоматик бошқариш тизимида мотор валидаги юкланишнинг қиймати билвосита актив қувват бўйича ҳисобланади.

Асинхрон мотор ишлаб турган пайтда қувват ва кучланиш ўлчов ўзгарткичлари ҚЎЎ ва КЎЎ чиқиш қисмларида доимий сигнал мавжуд бўлади. КЎЎ дан чиқаётган линия кучланиши сигнали 2ДҚ да вақт бўйича дифференциалланиб, ББ нинг иккинчи кириш қисмига юборилади. Функционал ўзгарткич 2ФЎ да фаза кучланиши билан токи орасидаги бурчак φ нинг $\sin \varphi$ қийматига мос сигнал олинади ва кўпайтириш блоки КБ нинг иккинчи кириш қисмига узатилади ва у ерда ҚЎЎ нинг чиқиш қисмидан КБ нинг биринчи кириш қисмига юборилган умумий қувват S га пропорционал сигнал билан кўпайтмаси $Q(t) = S(t) \sin \varphi$ – моторнинг реактив қувват истеъмолини беради. Q(t) сигнал 1ДҚ да вақт бўйича дифференциалланиб, ББ нинг кириш қисмига юборилади.

Ўз-ўзини назорат саволлар

1. Асинхрон моторлар қандай энергетик режимларда ишлаши мумкин?
2. Асинхрон моторларнинг табиий механик тавсифини номинал қийматлари асосида қандай куриш мумкин?
3. Асинхрон моторларнинг тармоқдан истеъмол қилаётган тўлиқ қувватини номинал қийматлари асосида аниқлаш мумкин?
4. Асинхрон моторларнинг келтирилган ротори токини номинал қийматлари асосида қандай аниқлаш мумкин?
5. Асинхрон моторларнинг электр магнит моментини номинал қийматлари асосида қандай аниқлаш мумкин?
6. Асинхрон моторларнинг фойдали иш коэффициенти қиймати қайси кўрсаткичларига боғлиқ?
9. Асинхрон электр юритманинг ўтиш яраёни вақтига асосан унинг қайси кўрсаткичи таъсир этади?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати: АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Белов М.П. и др. Автоматизированный электропривод типовых и производственных механизмов и технологических комплексов. - М.: Энергоатомиздат, 2004. - 575 с.
2. Имомназаров А.Т., Аъзамова Г.А. Асинхрон моторларнинг энергия тежамкор иш режимлари. Монография. - Тошкент: ТошДТУ, 2014. – 140 б.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-мавзу: Электр техник қурилмалари турлари ва уларнинг иш режимлари таҳлили

Режа:

1. Электр техник қурилмаларининг турлари.
2. Электр техник қурилмаларининг иш режимлари.

Электр қурилмаларининг турлари, қўлланиш соҳалари ва уларнинг иш режимлари таҳлили. Электр техник қурилмаларнинг статик ва динамик иш режимлари кўрсаткичларини ҳисоблаш, тавсифларини қуриш ва таҳлил қилиш.

Электр механик тизимлар электр механик қурилма – ўзгарувчан ёки ўзгармас ток электр моторлари, ўзгарувчан ёки ўзгармас ток бошқарилувчи электр ўзгарткичлар ва бошқа бир қанча электр ҳамда электрон қурилмалардан ташкил топган бўлади.

Электр механик тизимлар таркибий тузилишида асосий куч элементи бу электр моторлардир. Электр моторлар ўзгармас ток ва ўзгарувчан ток электр моторларига бўлинади. Ўзгарувчан ток моторларига асинхрон ва синхрон моторлар киради.

Электр механик тизимнинг электр моторини тўғри танлаш, уни бошқаришда энергетик кўрсаткичларини доимо минимал бўлишига эришиш усули энергия тежамкорликка эришиш **пассив** усулдир.

Энергия тежамкорликка эришишнинг **актив** усулида, электр механик тизим таркибига қўшимча қурилмалар ва оптимал бошқаришни ташкил қилувчи алгоритмларни қўллаш билан амалга оширилади.

Узлуксиз иш режимида ишлайдиган электр механик тизимларнинг электр моторлари иссиқлик ҳолатига қараб, уларнинг статор (якорь) чулғами қўлланилган изоляцияси учун руҳсат этилган ҳароратда ёки ундан паст ҳароратгача қизиган бўлади.

Узлуксли иш режимида ишлайдиган электр механик тизимларнинг электр моторлари иссиқлик ҳолатига қараб, уларнинг статор (якорь) чулғами қўлланилган изоляцияси учун руҳсат этилган ҳароратгача етиб бормади. Бу иш режимининг яна бир характерли томони электр моторнинг иш режими юкланиш билан ишлаш ва тармоқдан узилган ҳолда ишлашидир.

Фойдаланиладиган ададиётлар рўйхати:

1. Имомназаров А.Т., Аъзамова Г.А. Асинхрон моторларнинг энергия тежамкор иш режимлари. Монография. – Т: ТошДТУ, 2014. – 140 б.
2. Имомназаров А.Т. Нефт ва газ конларининг электр жиҳозлари. Касб–хунара коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т: ЧўЛПОИ, 2007. – 145 б.
3. Имомназаров А.Т. Электромеханик тизимларнинг элементлари. Олий ўқув юрлари учун дарслик. – Т: Таълим, 2009. – 155 б.

2-мавзу: Электр механик тизимларда қўлланиладиган электр машиналар турлари ва уларнинг иш режимлари таҳлили

Режа:

1. Ўзгармас ток электр машиналари.
2. Ўзгарувчан ток электр машиналари.

